

**Масъулияти чекланган жамият  
шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL -AUDIT» аудиторлик  
ташкilotи**

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кучаси.30-уй.  
Банк: Қишлоқ қурилиш банк Тошкент ш. филиали МФО 00987, Х/р. 20208000904368607001 СТИР: 205311743,  
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг  
2019 йил 01 апрель кундаги 00750-сонли лицензиясига эга.

**Ижобий фикр билдирилган**

**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Мен Тураев Комил Исмоилович Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT» аудитор тошкilotининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигинг 2014-йил 25-октябрдаги №05248 сонли малака сертификатиغا эга) томонидан хужалик юритувчи субъект «Янгиқургон пахта тозалаш» АЖнинг Молиявий хисоботлари (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботи) дан иборат.

2018-йил хисобот даври учун 01.01.2019 йил ҳолатидаги тузилган молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдик.

**Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.**

Хужалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик тошкilotининг жавобгарлиги.**

Аудиторлик тошкilotининг жавобгарлиги утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Янгиқургон пахта тозалаш» АЖнинг илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлигик жиҳатлари буйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонунийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ утказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий курсатқишларига эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишини таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишини такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомидолинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект «Янгиқургон пахта тозалаш» АЖнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолатида тузилган оралик молиявий хисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари буйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий хужалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖШ «NEWGLOBALPROFESSIONAL -AUDIT»  
аудиторлик ташкilotи директори:

26.04.2019 йил



К.И.Тураев.